



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING  
**QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил “ 28 ” сентябр

№ 96

Yangibozor tumani

Боғолон қишлоғи “Минг Боғолон”  
маҳалласида яшовчи фуқаро  
Эгамберганова Мафтунага фермер  
хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер  
майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Боғолон қишлоғи “Минг Боғолон” маҳалласида яшовчи фуқаро Эгамберганова Мафтунага фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов якунлари натижаларига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган ер участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов якунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг ҳулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Боғолон қишлоғи “Минг Боғолон” маҳалласида яшовчи фуқаро Эгамберганова Мафтунага Боғолон қишлоғининг туман ҳокими захира ер хисобидаги № 883-контурларида жойлашган умумий ер майдони – 10,6 гектар, шундан сугориладиган экин ери - 10,6 гектардан иборат ер участкасида қўйчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.

3. Боғолон қишлоғи “Минг Боғолон” маҳалласида яшовчи фуқаро Эгамберганова Мафтунага ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари М.Эгамберганова ўртасида тузладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома



асосида топириши туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Боголон қишлоғи “Минг Боголон” маҳалласида яшовчи фуқаро Эгамберганова Мафтунага ажратилаётган 10,6 гектар ер майдонида наслик қўйларни кўнайғиришни ташкил қилиш вазифаси топирилсин.

5. Фуқаро Эгамберганова Мафтунага:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман Статистика ва Солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

6. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



*U. Kurbanov*

У.Курбанов